

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 161 (1222), 2024 йил 13 август, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ТУМАНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни туманларни иқтисодий ривожлантириш, муқобил энергия манбаларни жорий этиш ҳамда саноат корхоналари учун жозибадор шароитлар яратиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон тажрибалари йўлга қўйилган. Йиғилиш аввалида шу борадаги ишларнинг натижадорлиги кўриб чиқилди.

Масалан, Сайхунобод тажрибаси бўйича ҳар бир маҳаллада 10 тадан микролойиҳа қилиш вазифаси қўйилган. Бу орқали республикада жами 132 мингта микролойиҳа ишга туширилиб, 242 минг кишининг бандлиги таъминланган. Лекин 26 та тумандаги 46 та маҳаллада бу ишлар сўт кетмоқда.

Уйчи тажрибаси асосида банклар миқозин билан ишлаб, республика бўйича 500 мингта янги иш жойи очилган. Аммо 15 та туман ва шаҳарда натижа етарли эмас.

Гиждувон тажрибаси мингта маҳаллада кўп қаватли саноат бинолари ташкил этишга, Зарбдор тажрибаси жойларда драйвер лойиҳалар қилишга қаратилган.

Ушбу 4 та туман тажрибаси давлат сўвати экани таъкидланиб, уларни бажаришда суғуришчилик йўли қўйилган раҳбарларга қаттиқ чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилди. Умуман, тажрибаларнинг ҳар бири бўйича масъулларга аниқ “КРП” белгиланиб, ижроси устидан қатъий сўров бўлиши таъкидланди.

Йиғилиш кун тартибидagi асосий мавзу Бухоро вилояти мисолида тадбиркорларга кўпроқ шароит яратиш, ҳар бир туманни ихтисослаштириш, энергиядан оқилонга фойдаланиш ҳақида бўлди. Йиғилишда ҳукумат аъзолари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ҳам иштирок этди.

Шу йил 31 май — 1 июнь кунлари давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида бўлган эди. Ташрифдан сўнг худудга 1,4 триллион сўм ажратилди. Бугун тадбиркорликка қўшимча 60 миллион доллар, инфратузилмага 40 миллион доллар ажратиш бўйича қарор имзоланди.

Йиғилишда Бухородаги имкониятлар бешта йўналишга бўлиб таҳлил қилинди ҳамда вазифалар белгиланди.

Шулардан биринчиси бу — хизматларни ривожлантириш. Вилоятда 584 та меҳмон уйлари, 122 та умумий овқатланиш, 18,5 мингта савдо, 30 та саломатлик ва фитнес марказлари бор. Бухоронинг таомлари машҳур, лекин ҳар минг кишига тўғри келадиган ошхона ва рестороанлар сони Самарқанддагидан 10 карра кам. 103 та лойиҳа ташкилоти, 2 минг 372 та қурилиш ташкилоти ҳам тўлиқ ишга солинмапти. Худудларнинг мастер режасини ишлаб чиқиб, савдо ва сервис шохобчаларини жойлаштириш мумкин.

Шу боис, Бухородаги 62 та массив ва 54 та кўчада хизматларни ривожлантириш бўйича қарор қабул қилинди. Уларнинг бири овқатланиш, иккинчиси саломатлик, бошқалари меҳмонхона, хунармандчилик, савдо ва хизматларга ихтисослаштирилади. Жами 4 мингта тадбиркорлик ташкил қилиниб, 6 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбари саноат зоналарида ер ажратишни енгиллаштириш, бунга хизмат кўрсатишни ҳам қўшиш тақлифини қўллаб-қувватлади. Бундан буён сервис жойларини сотиб олиш учун алоҳида кредит тури — “хизмат ипотекаси” йўлга қўйилиши маълум қилинди.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, педагог ва тиббиёт ходимлари меҳнатини қўшимча рағбатлантириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 15 фоизга оширилсин. Бунда: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 428 000 сўм этиб; ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 834 000 сўм этиб; ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори — ойига 920 000 сўм этиб; фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб: бюджет ташкилотларида ишловчи тиббиёт ходимлари, шунингдек, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ташкилотлари, “Мурувват” интернат уйлари, “Меҳрибонлик” ва Болалар уйлари, болалар санаторияларида ишловчи педагог ходимларнинг иш ҳақи миқдори — 15 фоизга оширилсин; бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори — 10 фоизга оширилсин, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ходимлар бундан мустасно; меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 1 155 000 сўм этиб белгилансин;

базавий ҳисоблаш миқдори — 375 000 сўм этиб белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 12 август

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧИНАКАМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Спортчи ёшларимиз нимага қодир эканини бутун дунёга кўрсатди



Янги руҳн: Заррабин

Буюк ўзбек йўли

Халқимизда “Сўзи сувни кесади”, деган гап бор. Шу орқали тенгсиз куч ва қудратга ишора қилинади. Янги Ўзбекистон ҳам халқаро майдонда сўзи билан сувни иккига бўла оладиган қувватга эга бўлиб бормоқда. Буни мамлакатимиз эришаётган кўп қабатли ютуқларда, илгари сураётган ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан илиқ кутиб олинаётганида ҳам кўриш мумкин.

Очиги, бундай қувватга эга бўлиш осон эмас. Дунё чексиз рақобат майдони. Унда ўз ўрнига эга бўлиш учун мамлакат ҳар жиҳатдан чиниққан бўлиши керак. Бу худди спортчининг ҳаёт тарзига ўхшайди. Улар тинимсиз машқ қилади. Еб-ичишдан тортиб, уйқусигача аниқ режа асосида бажаради. Ана шундай қатъий кун тартиби сабаб инсон жисмонан чиниқади. Натижага эришади. Ютуқлар эса мам-

лакатдаги ички интизомни, танланган йўлдан қатъий қадам билан олға бориш қай даражада эканини кўрсатади. Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёш Олимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини кутиб олиш жараёнида кўнгилдан шу каби уйлар ўтди.

► Давоми 3-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН САОДАТИ БУ

“Париж — 2024” Олимпиадаси ғолиб ва совриндорларига

Юртининг юрагида очилди гуллар, Кувончдан уммондек қалқиди диллар, Қутловда қарсақдан қабарди қўллар, Халқим хурлигидан хурланган йил бу, Ўзбек ўзлигидан нурланган йил бу.

Диёра дунёни лол қолдиролди, Миллатин тилида бол қолдиролди, Тўмарис авлодин тан олдиоролди, Дуолар кафтларда дурланган йил бу, Ўзбек ўзлигидан нурланган йил бу.

Парижга файз тўқди ўзбекча салом, Ким ғолиб, ким мағлуб — бирдек ҳуш калом, Худо умр берса, кураш бардавом, Спорт эллар тутган бирлик сули бу, Ўзбекнинг саломини тинчлик тили бу.

Баҳодир ўзбекнинг бахтидир шаксиз, Алпомиш авлодин шахтидир шаксиз, Шоҳсупанинг тўри тахтидир шаксиз, “Катта ўзбегимиз” олтин қўли бу, Марду майдон бўлган марднинг йўли бу.

Ҳасанбой ҳамиша ҳайрат соҳиби, Темир зарб соҳиби, қудрат соҳиби, Ринга чиқмай титрар ҳар бир рақибни, Миллат фарзандининг миллий фарзи бу, Йигитнинг йигитлик элдан қарзи бу!

Улғубек кўз ёши — қалқиган қувонч, Юрт туғи бошида балқиган қувонч, Ўз кучига ишонч, халқига ишонч, Буюк аждодларнинг мардон насли бу, Ғолиблик хузури гўзал васли бу.

Лазизбек кўпларни ларзага солди, Асадхўжа рақибни аламдан толди, Абдумалик олтинни олқийди олди, Юртим йигитларини рингда дарси бу, Ҳар олтин соҳиби ватан шамси бу.

Разамбекдан Даичи каловланди, Акбарнинг тошида қумуш товланди, Светлана ғолиб — қумуш жуфтланди, Мадҳия спортда мардлик мадҳи бу, Майдонга тушганининг қатъий аҳди бу.

Алишер Татуруни тизлатгани рост, Музаффар Николазни бузлатгани рост, Ғуломжон Бегзатни инзратгани рост, Бўйдорга бўйимиз бўйланган йил бу, Мардлар ҳам мардона сийланган йил бу.

Ғолиблар Юртбошин саломин олди, Ташақур товланган каломин олди, Қалбига ҳуш ният қудратини олди, Раҳнамо меҳрига чулганган йил бу, Ўттиз уч йил ўтиб қуйланган йил бу.

Нечун мен мадҳ этмай, битмайин ашғор, Қумушми, бронза бирдек ифтихор, Ҳар ғолиб шахсида Ўзбекистон бор, Тинчлик тонларининг таровати бу, Ҳақ берсан омадининг фароғати бу.

Шоҳсупа соҳиби шоҳона яйрар, Парижда ўзбекча шукрона янгарар, Кимдир балки бунинг афсона ангарар, Юртбошин ниятин ижобати бу, Янги Ўзбекистон саодати бу.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

ТУМАНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда энергиядан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бухорода 900 миллион киловатт электр ва 400 миллион куб метр газни иқтисод қилиш имкони борлиги қайд этилди. Бу — умумий истеъмолнинг 20 фоизига тенг. Жумладан, 42 та йирик корхонада ускуналарни янгилаб, 25 фоизга электр ва газни иқтисод қилиш мумкин.

Энг катта истеъмолчи — “Аму-Бухоро канали”. Насосларни янгилаш натижасида йилга 200 миллион киловатт ёки 204 миллиард сўм иқтисод қилинмоқда. Лекин бу кам.

Насос станциялари ҳудудда 100 мегаваттлик қуёш станцияси ва 100 мегаваттлик сақлаш тизими ўрнатилса, умумий тармоқдан олинган электрнинг 25 фоиз камайтириш, кунлик ўртача тарифни 12,5 фоизга пасайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, 200 минг кўчмас мулк биносига камида 3 киловаттлик қуёш панели ўрнатиб, 600 мегаватт қувват яратиш имкони бор. Бу билан виллоят электр истеъмоли яна 20 фоиз иқтисод бўлади.

Шу боис, Энергетика вазирлиги, виллоят ва туман мутасаддиларига йил якунигача 4 мингта иншоотда қуёш панеллари ўрнатиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун уларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги айтилди.

Хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда, аҳолига суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш чоралари белгиланди.

Бухоро виллоятда 3 та йирик газ-кимё мажмуаси, 10 та қуёш ва шамол станцияси қуриляпти. Уларда 1 миллиард долларлик эҳтиёт қисмага эҳтиёж бор. Лекин кўп кластер ва корхоналар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариб, янги сени яратиш устида ишламаяпти.

Виллоятда 1,5 миллион тонна мева-сабзавот тайёрланади. Бу — Бухоро эҳтиёжидан 2 баробар кўп. Лекин уларнинг атиги 11 фоизи қайта ишланади, 30 фоизи ташинида исроф бўлмоқда. Виллоятнинг 4 та кичик агрологистика маркази қуввати 66 минг тонна маҳсулотни қайта ишлашга етади, холос.

Шу боис, Президент ҳар бир туманни сановат тармоқларига ихтисослаштириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, Жондор туманида уй текстили бўйича 3 мингта яқин хотин-қизларда етарли тажриба бор. Вобқент туманида войиш усулида узум, гул ва кўчат етиштириш йўлга қўйилган. Бухоро туманида 27 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга янги корхона ишга тушган.

Шу каби ҳар бир туман ихтисослашувидан келиб чиқиб, хомашё, инфратузилма, кадр ва бозор масалаларини қамраб олган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу режа ва мақсадларнинг рўёби учун профессионал кадрлар зарур. Лекин кўп ҳолларда касбга ўқитиш меҳнат бозоридида талаб ва ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олмасдан, мавжуд ўқитувчилар доирасида амалга ошириляпти. Ёшларнинг атиги 2 фоизи дуал таълим шаклида ўқитилади, виллоятдаги 30 минг корхонадан 350 таси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, холос. Оқибатда қуввати 28 минг ўқувчи бўлган коллеж ва техникумларга қабул 50 фоизга етмайди.

Шунинг учун энди қувватидан тўлиқ фойдаланмаётган ўқув бинолари ва хоналари тадбиркорларга тўғридан-тўғри ижарага берилади. Тушган маблағлар биноларни таъмирлаш ва ускуналар харид қилишга сарфланади. Ягона шарт — бу ерда ёшларни касбга ўқитиб, ишли қилиш экани таъкидланди.

Ҳудудларда иш юришига энг катта тўсиқ — туман ташкилотларидаги ўзибўларчилик кайфияти. Ходимларга “КР1” белгиланмаган, рақамлаштириш чала, янгиликларга ўқитиш йўқ. Шу боис, вазирликларга ўз тизимида методология, регламент ва рақамлаштиришни тартибга солиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Бухоро виллоят ва туманлар ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

ЎЗА



QR-KOD ORҚALI ВИДЕОГА ЎТИНГ.

Юртимга хизмат қилаётганимдан ФАХРЛАНАМАН



Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Икки карра Олимпия ўйинлари чемпиони

Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги мақсади яхши ном ва из қолдириш бўлса керак. Бугун Ватанимиз шаънини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилиб, байроғимизни баланд кўтарган олганимдан фахрланаман.

Авалло, бу фақат бизнинг эмас, барча юртдошларимизнинг ғалабаси. Халқимиз билдирган ишончини оқлаб, давлатимиз раҳбари олдидан юзимиз ёруғ бўлди. Энг муҳими, бокс бўйича еттига ваъда бешта Олимпиада чемпиони — бу натижани ҳали ҳеч бир давлат спортчилари уздай олмаган. У ерда худди юртимиздаги рингга чиққандек бўлди. Чунки мухлислар бизга шундай муҳит яратиб

берди. Уларнинг қўллаб-қувватлаши куч-гайрат бағишлади.

Бу ютуқларимиз замирида, энг аввало, тинчлик ағалмиш неъмат ётибди деб ўйлайман. Бугун дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган жараёнларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мана шундай мураккаб вазиятда мустақил Ватанимизда биз, спортчиларга яратиб берилган имконият ва эътибор ютуқларимизга замин бўляпти. Бу медалини мустақиллигимизнинг 33 йиллигига бағишлайман.

Бизга шундай шароит ва имкониятлар яратиб берилдики, ғалаба қилмасак бўлмасди. Бу елкамизга улкан мақсад ва вазифалар юклади. Уни муносиб адо этишга интилдик ва ўйлайманки, кўзланган маррани забт эта олдик.

Президентимиз қарори билан ташкил этилган маҳорат мактабида ҳам юртимиз шаънини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етиштиб чиқади ва шу орқали билдирган ишончини оқлаймиз. 2023 йилда мактаб тарбияланувчилари халқаро ва республика мусобақаларида 26 олтин, 18 кумуш, 15 бронза медалини қўлга киритди. Олдидан яна мусобақалар кўп. Ёш боксчиларимиздан катта натижалар кутсак бўлади.

Ҳаваскор боксдаги фаолиятим якунланди. Мақсад — профессионал боксда мутлақ жаҳон чемпиони бўлиш. Шу мақсад йўлида тинимсиз меҳнат қилмамиз ва насиб этса, кўзланган маррани забт этамиз.

БИЗНИ ПАРИЖ АРЕНАЛАРИ ҲИС ҚИЛДИ

Абдумалик ХАЛОКОВ, Олимпия ўйинлари чемпиони

Бу маррага эришишимизга халқимизнинг дуоси, уларнинг бизга билдирган ишончи сабаб бўлди. Шу билан бирга, ота-онамнинг берган тарбияси, мураббийларимизнинг тўғри йўл-йўриқ кўрсатгани фойда берди.

Турли давлатлардан ўз Ватанимиз шаънини елкасига олиб, майдонга бўлган спортчилар ичидан бокс бўйича биринчи ўринни олдик. Бу тарихий ғалаба бизга гуруҳ бағишлади. Айни дам шу юрт фарзанди эканимиздан фахрландик. Боиси, бошқа давлатда спортга бунчалик эътибор қаратилмайди.

Бу мусобақада биз бутун дунёга туркий давлатларнинг, қардош қўшни халқлар билан аҳиллигимизни намойиш қила олдик. Ўз вазим тоифасида финалда киргизистонлик Мунарбек Сейитбек



ўғли билан тушдим. Бунга ҳам қайсидир маънода қардош халқ билан бир-биримизни қўллаб-қувватлаганимиз сабаб бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Париж ареналари биз, спортчиларнинг зафарлари ортидан янги Ўзбекистоннинг ёшлари қандай кучга эга эканини ҳис қилди.

БУ ҒАЛАБА ХАЛҚИМИЗНИКИ!



Дилнозахон ДЎСМАТОВА, Икки карра Олимпия ўйинлари чемпиони

Фарзандимиз икки карра Олимпиада чемпиони бўлиб, бутун дунёга Ўзбекистон ўғлонларининг куч-қудратини кўрсатди. Бу ғалаба ўз-ўзидан кўлга киритилмади. Энг аввало, бу ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг спортчилар учун яратиб берган шароитлари бор деб ўйлайман.

Бу ғалаба биргина бизнинг эмас, бутун миллатимизнинг ғалабаси. Ютуққа эришишимиз ўзи бўлгани йўқ. Ҳасанбойни 5 ёшидан бошлаб, Ўзбе

қиллоғида қаратэ ва кикбоксинг тўғрақларида бердик. Қисқа фурсатда ўзига бўлган ишончи юқори бўлгани боис, туман, виллоят мусобақаларида қатнашиб, юқори натижаларни эгаллади.

Унинг спортга қизиқишида бувисининг хизмати катта. Ҳатто устози энди машгулотларни махсус мактабларда давом эттириши кераклигини айтганда, Ҳасанбойнинг қўлидан етақлаб, Андижон олимпия заҳиралари коллежининг болалар спорт бўлимига олиб борган. Уша вақтда 12 ёшда эди.

У ҳар кун тинимсиз меҳнат қиларди. Шу орқали катта мақсадлар сари интиларди. Бора-бора меҳнатлари ўз самарасини берди — болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шундан сўнг Осиё ўйинлари ва Бутунжаҳон университетлари ва бошқа турнирларда ғолибликни қўлга киритди.

Рио-де-Жанейродаги ғалабасидан сўнг ҳам боксини ташламади. У Олимпиадада иккинчи бор шохсупани эгаллаш ниятини маҳкам тутди. Мана, нияти холис экан, бу маррани ҳам забт этди.

Бугун фарзандимизнинг бу зафарлари давлатимиз раҳбарининг яратиб берган шарт-шароити, мураббийларнинг берган таълими, барча юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлаши, уларнинг дуолари эвазига деб ўйлайман.

АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Днѐра КЕЛДИѐРОВА, Олимпия ўйинлари чемпиони



Ўйлайманки, ғалаба билан юртимизда аёлларга қаратилаётган эътиборнинг қанчалик юксак экани исботланди. Албатта, бунга эришиш осон кечгани йўқ. Ана шу машаққатли йўлда давлатимиз томонидан яратилган имконият, яқинларим кўмағига таяндим. Шунча меҳнат ўз самарасини берди, Ўзбекистонда аёлларга катта йўл очадиган медалини қўлга киритдим.

Ҳар доим олдимга мақсад қўйганман — қандай иш бошлашимдан қатъий назар, уни якунига етказаман. Менимча, ҳар бир инсон ўз ишини севиб бажариши керак. Бу йўлдаги қийинчиликларни босиб ўтишда шу жиҳат жуда муҳим.

Давлатимиз раҳбари Токио олимпиадасидаги мағлубиятимга қарамай, мени “Келажақ бунёдкори” медали билан тақдирлаганди. Уша вақтда ўз-ўзимга Президентимиз менга билдирган ишончини оқлаб, спортда ўзимнинг йўналишимда янги келажакни бунёд қиламан деб ваъда бергандим.

Мана, бугун мақсадимга етиб, давлатимиз раҳбарининг ишончини оқладим. Жаҳонда ҳеч бир давлатда биз каби аёл спортчиларга эътибор қаратилмайди. Айниқса, халқаро мусобақаларда қатнашганимда улар бизга ҳайрат ва ҳавас билан қарайди.

Келгусида яна Олимпиада чўққисига чиқиб, янги зафарларни юртимизга олиб келиш ниятим бор.

Нуқтаи назар

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ФОРУМ

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА КАТТА ТУРТКИ БЕРАДИ

Содиқ САФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

юрарди ва дон маҳсулотларини узоқ ўлкалардан ортиқча транспорт харажатлари туфайли қиммат нарҳда олиб келарди. Натижада аҳолимиз қиммат нарҳда дон маҳсулотларини сотиб олиш ёки Қозоғистонда ишлаб чиқарилган дон маҳсулотларини хуфёна йўлар билан юртимизга олиб келишга мажбур бўларди.

2016 йилдан кейин Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва унинг раҳбарлигида юриштирилган янгилашган ташқи сийосат дипломатияси туфайли бундай носоғлом вазиятга қисқа даврда батамом барҳам берилди. Биз кўриб турибмизки, ҳозирги вақтда ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги муносабатлар энг юқори поғонага етди.

Мана, ташриф доирасида Давлатлараро олий кенгаш мажлисининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу икки томонлама муносабатларнинг энг юқори чўққисидир. Утган йили Қозоғистон Президентининг Ўзбекистон ташриф вақтида эришилган стратегик ҳамкорлик, яъни иттифоқчилик муносабатларига оид ҳужжат имзоланиши бунга пойдевор қўйилган.

Остонада бўлиб ўтган Давлатлараро олий кенгаш мажлиси айнан шунинг мевасидир. Бу, албатта, икки томонлама муносабатларимизда салоҳият ва имкониятлар кенглигини кўрсатиб бермоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ортиб бормоқда. Жумладан, икки томонлама парламентлар форумини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва келишувга эришилди.

Парламентлараро форум тасвир этилиши икки томонлама муносабатлар учун қанчалик муҳим, деган савол туғилиши мумкин. Бугунги кунда, умуман, бутун дунёда парламентларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Парламентлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори, яъни уларнинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишга бевосита масъулдир. Агар бугунги кунда савдон ривожлантириш бўлса, таълим, маданият соҳасида, бевосита худудлар орасида ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш муҳим бўлса, албатта, бунинг учун парламент имкониятларидан фойдаланмоғимиз лозим.

Мана шундай форум тасвир этилиши, сўзсиз, икки томонлама муносабатларимизни кенгайтириш, мустаҳкамлашга катта тurtки беради ва бу, шубҳасиз, тарихий воқеа бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга давлат ташрифи нафақат икки халқ, икки давлатни янада яқинлаштириш учун муҳим тарихий аҳамиятга эга, балки бу бутун минтақамиз, Марказий Осиёнинг дунёда тутган ўрни, роли тобора ортиб бораётганини намён этди.

Бир тарафдан Марказий Осиё табиий бойликларга бой минтақа. У муҳим транспорт йўлақлари қорраҳасида жойлашган, энг ёш минтақалардан бири. Масалан, ҳозирги вақтда Марказий Осиёда аҳолининг ўртача ёши 30 га ҳам етмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак — 28 ёш. Айни вақтда Шимолий Америкада бу рақамлар 41 дан ошади. Европада ҳатто 50 ёшга яқинлашади. Албатта, бу Марказий Осиёнинг бугунги дунёдаги роли тобора ортишини таъминламоқда.

Марказий Осиёнинг тақдири Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга ниҳоятда боғлиқдир. Шу икки мамлакатнинг муносабатлари 80 миллион аҳолига эга бутун бир минтақа қайси йўлдан боришини белгилаб беради. Кўп йиллар мобайнида ўзбек — қозоқ муносабатларини ижобий баҳолай олмаганимиз.


2016 йилгача бўлган даврда икки томонлама муносабатларга носоғлом рақобат ҳалақит беради, масала кимнинг ташаббуслари халқаро ҳам-жамиятлар томонидан қўллаб-қувватланяпти, ким биринчи, ким иккинчи каби саволларга тақаллиб қолган эди ва бу икки томонлама муносабатларини ривожлантириш, ҳамкорликни кенгайтиришга имкон бермасди.

Ўзаро савдо ҳам сунъий равишда ниҳоятда паст даражада ушлаб турилган. Айтайлик, ўша пайтда Қозоғистон дунёдаги энг йирик дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бири эди. Ўзбекистон расмий вакиллари эса Қозоғистондан бир килограмм ҳам дон олмаймиз, деб гурурланди

Table with medal counts for various countries: AQSh, Xitoy, Yaponiya, Avstraliya, Fransiya, Niderlandiya, Buyuk Britaniya, Janubiy Koreya, Italiya, Germaniya, Yangi Zelandiya, Kanada, O'zbekiston, Uengriya, Ispaniya.

“УЛУҒБЕК ЧЕМПИОН БЎЛАДИ”

Исматилла РАШИТОВ, Икки карра Олимпия ўйинлари чемпиони Улуғбек Рашитовнинг отаси



Ҳар бир ота-она учун фарзандининг камолини, ютуғини кўриш катта бахт. Айниқса, жаҳон аренасида Ватан шаънини ҳимоя қилиб, давлат байроғини баланд кўтарган фарзанднинг ота-онаси бўлиш.

Яхши эслайман, кичиклигимда ёнимга келиб, “Менга Брюс Лининг кассетасини олиб келиб беринг”, деди. Шу тарихи ўғлим Брюс Ли фильмларининг ашаддий мухлисига айланди. Кинодаги ҳаракатларни уйда қайтаришга ҳаракат қила бошлаганидан сўнг таъжовбонга беришга қарор қилдим.

Ўғлим 6 ёшга тўлганида мураббий Павел Хан қўлга олишди. Ўғлимнинг бу ғалабалари замирида мураббийнинг хизмати алоҳида таъкидлаш шарт. Чунки Улуғбек футболни ҳам яхши ўйнади. Ўзим ҳам футболга қизиққаным боис, уни футболчи қилмоқчи ҳам бўлганман. Бундан хабар топан мураббийи ёнимга келди ва “Сиз менинг юрагимни олиб қўйялсиз. Улуғбек чемпиони бўлади. Агар уни машгулотларга олиб боришни истамагансиз, мен ўзим келиб, уни олиб кетиб юраман”, деб айтди. Шундан сўнг мураббийи билан таъжовбон бўйича жиддий шуғуллана бошладим.

2014 йилда Улуғбек ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида

ғолибликни қўлга киритди. 2018 йил Тунисда ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллади. 2019 йил Йорданияда ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида олтин медалини қўлга киритди. Сўнг Токиода бўлиб ўтган Олимпиадада юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди.

Францияга кетишда ҳам у менга қатъий қилиб: “Худо хоҳласа, Францияда давлатимиз байроғини баландга кўтараман”, деди. Унинг мақсади аниқ эди: 68 килограмм вазн тоифасида иккинчи бор Олимпиада олтин медалини қўлга киритиб, юртимиз спорт тарихида янги саҳифа очмоқни кўзлаганди...

Ўғлимнинг бу натижага эришганидан гурурланаман. Бутун халқимизга қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдираман.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Сардор ТОЛЛИБОВ ёзиб олди.



Янги ўзбекистоннинг чинакам қаҳрамонлари

Спортчи ёшларимиз нимага қодир эканини бутун дунёга кўрсатди

Бошланғич 1-бегда

Ўзбекистон Олимпия ўйинлари тарихида янги рекорд натижа — 8 та ОЛТИН, 2 та КУМУШ, 3 та БРОНЗА медални қўлга киритган музаффар спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди. Уларни Тошкент халқаро аэропортида давлат ва жамоат арбоблари, спортчиларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик тантанали кутиб олди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева юртимизда спортга, умуман, ёш авлод таълим-тарбиясига қаратаётган эътибор, эришилаётган ютуқлар ҳақида фикр билдирди. Халқаро спорт оламида янги саҳифа очган олимпиячиларимизни юксак галаба билан табриклади. Табрик ва самимий тилаклар шеърга айланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид голлиблага бағишлаб шеър ўқиди.

Сўнг Париждаги Олимпия ўйинлари голиби ва совриндорларига Президент совгалари — “Chevrolet Tahoe”, “BYD Song Plus Champion (605 km, Flagship)” ва “BYD Song Plus Champion (150 km, Flagship)” автомобиллари, хонадон калитлари ва пул мукофотлари топширилди.

Таъкидлаш керак, спортчиларимизнинг тарихий галабаси ютуғи нафақат юртдошларимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, қардош халқлар орасида кенг нишонланди.

Шунинг ўзидек қисқа вақтда Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг ижобий имжи билан бошқаларда илиқ таассурот қолдиришга уринганини аниқлади. Бу хусусда аввалги мақолаларимизда ҳам айтган эдик. Кўнглида йиғилган, мулоҳазага ундайдиган яна фикрлар борки, улар ҳақида бир оз кейин тўхталамиз. Ҳозир спортчиларимиз кўлга киритган ютуқ ҳақида фикрлашсак...

Аслида, спортчиларимиз эришган ишончли галабалар, янгиланган Олимпиада рекорди ҳар қанча таҳсинга, эътирофга эъзозга сазовор. Ахир ўзиниғиз ўйланг, дунёнинг даяри бarcha — қарийб 210 га яқин давлатлари вакиллари қатнашган мусобақада спортчиларимиз юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатди. Натижада дунёда 13-ЎРИН, Осиёда 4-ЎРИН, туркий, мусулмон ва МДХ давлатлари орасида 1-ЎРИННИ эгаллади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлатларнинг ўзига хос куч-қудрати, тараққиёт йўли, ёрқин келажак намояни сифатида кўрилувчи Олимпиадада медаллар жамғариш бўйича “Топ-15” таликка кирди.

Бундай тарихий натижага осонликча, ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Бунинг учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик талаб этилади. Худди Ўзбекистон XXXIII ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўргани каби.

Едингида бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан уч йил олдин, яна ҳам аниқроқ айтганда, 2021 йил 13 август куни Токио шаҳрида ўтказилган ёзи Олимпия ўйинларида да иштирок этган спортчилар, уларнинг ота-оналари ва мураббийлари билан учрашувда “Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзи Олимпиадада 100 дан зиёд лицензияни қўлга киритиш ва медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат қаторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор”, деган эди. Бу ишонч, имконият, таъбир жоиз бўлса, давлат “Париж — 2024”да тўла оқланди. Музаффар спортчиларимиз мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида олиб

борилаётган ислохотларнинг дастлабки самаралари ўлароқ бунинг билан удалади — дунё бўйича 13-ЎРИН! Бунинг қарангки, орадан ролпа-роса 3 йил ўтиб, бир кун кам ёки кўпроқ бўлмаган ҳолатда бунинг эслаётганимиз, Сиз — азиз газетхонлар билан улашаётганимизда ҳам бир ҳикмат бордек гўё.

Бу уч йил сизу биз каби инсонлар учун осонгина ўтиб кетди. Аммо мана шу натижага эришиш учун меҳнат қилганлар бунинг чинакам захматини яхши билади, ҳис этади.

Давлатимиз раҳбари 3 йил олдин айтган фикр ҳам шунчаки мотивация эмади. Бу ҚАТЪИЙ ИШОНЧ, ўз ўрнида, ЭНГ Тўғри ҚАРОР эди. Шу асосда 2021 йил 5 ноябрда Президентимизнинг “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзи Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва рақамлаштириш вазифаси қўйилди. Мақсад олимпия дастурларига киритилган спорт турлари бўйича юқори натижадорликка эришиш эди. Бунинг учун олимпия спортчилар заҳирасини яратиш, лицензиялар сонини сезиларли даражада кўпайтириш зарур эди. Ҳозирги замонда ҳар бир соҳани менежментсиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боис, спорт менежментини такомиллаштириш, ҳар бир бўғинни аудитдан ўтказиш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш вазифаси қўйилди. Бир сўз билан айтганда, ташкилий ишлар керагидан ҳам зиёд қилинмаса, натижага эришиб бўлмастми қатъий белгиланди. Шу йўсинда иш олиб борилди. Бу ҳам худди спортчининг ҳаётига ўхшайди. Олдинда маълум мuddат. Ўша вақт ичида ихтиёрий ўзиниғиз бўлмайди. Фақат қатъий режимиға амал қилиб, белгиланган вазифани бажарсан, ўзбек паҳлавони бўлган Баҳодир Жалолов каби тинимсиз машқ қилсан, ўрни келса, қариндошлар тўй-томошасидан ҳам, бошқа йиғинлардан ҳам четда қолсан. Шу тарихқа бутун кунинг, ўйинг, борлигинг суратга айланади. Ўшандагина рингда рақиблар олдида шовиш қолмайсан, ишонч билан галаба қилсан. Назаримизда, давлат ишлари ҳам бундан сира фарқ қилмайди. Боринги тикиб, диққатининг бутунлай шунга қаратмагунча натижа бўлмайди. Бутун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар замирида ана шундай захматли меҳнат бор. Биргина мисол, Ўзбекистон ижтимоий давлат, деган тушунчани бош қонунимизда белгилаб олдик. Энди шунга муносиб бўлмоқчимиз ва бу йўлда қатъий давом этиямиз. Ҳозир бу борада қилинган ишларни, қабул қилинган қонун ҳужжатларини санаб ўтирмоқчи эмасмиз. Яқинда Республика ишчи гуруҳи бир аёл ҳақида лавҳа тайёрлади. Тўрт мучаси соғ, икки ўғли хорижда таҳсил олаётган ва муҳими, шу вақтгача мунтазам ижтимоий ёрдам олиб келган, яна ёрдам сўрапти. Боқимандалик кайфиятида бундай одамларни ўзгартириш лой ҳайкалга жон кириштишдай гап, аслида. Аммо мана шу йўлдан бориляпти. Уларга давлат боқимандаларни кўпайтириш эмас, ҳақиқатан қийналганларга имкон, шароит яратиб беришни зиммасига олаётганини тушунирмоқчида. Натижада ҳақиқатан муҳтож бўлса ҳам, бировдан ёрдам сўрамайдиган инсонларга кўмак берилмоқда. Яъни мазкур соҳада ажратилаётган пуллар ўз эгасини топиб борапти.

Бундай ишларни амалга ошириш учун эса аввал жамият ҳаёти пухта ўрганилди. Хориж таърибаси мамлакат ҳаётига мослаштирилди. Натижада ўзимизгагина хос бўлган янги йўл очилди. Бунинг ҳаётимиздаги барча жабҳаларда кўриш мумкин. Масалан, келажакни белгилаб берадиган таълим соҳаси. Шу йил Зулфия номидаги давлат мукофотини олган синглимиз Моҳира Эшпўлатова таълимдаги ислохотларни ўз ҳаёти мисолида шундай изохлайди: — Олдин ҳам Зулфия мукофоти учун ҳужжат топширганман, ноҳақликларга дуч келиб, кўнглим қолганди. Аммо ўтган йиллардаги ўзгаришлар сабаб яна ҳужжат топширишга қарор қилдим. Менга мукофот берилишини айтиш учун телефон қилишганида аввалги ишонманганман. Кейин мулоҳаза қилдим. Аввал университетга кириш қийин эди. Порархўрлик, таниш-билишчилик кучли эди. Айнан шу омил сабаб имтиёз тақдими этатишдан

Катта-катта галабалар ҳали олдимизда. Пойтахтимизда номингга очилган бокс бўйича спорт маҳорати мактабида яна юзлаб, минглаб ўзбек баҳодирлари катта рингларга тайёрланишига ишонаман”, деди. Бунга жавобан икки қарра Олимпия чемпиони Баҳодир Жалолов спорт мактаби ўқувчилари аллақачон натижа кўрсата бошлаганини айтди. Ҳа, натижаларга узоқ мuddат учун қилинган аниқ режалар асосда эришилди. Бутун янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилмоқда. Бунинг учун худди спортдаги каби аниқ ва пухта режа ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 5 март куни Баҳодир Жалолов мактабида яратилган шароитлар билан танишар экан, “Биз бу йилнинг Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш



давлат мукофоти учун ҳам ўшандай “рақобат” бор эди. Таълим ислоҳ қилинди. Ўқишга кириш осонлаштирилди. Ўз-ўзидан Зулфия мукофотини беришдаги адолат ҳам тикланди.

Мана шу фикрнинг ўзидек жамиятдаги битта ўзгариш бошқа соҳаларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатишини, айтиш пайтида ёшлар таълим ва тарбиясига ҳам катта эътибор берилганини аниқлади. Юқорида тақрирлаганимиздек, бунга эришиш, натижаларни янада юксалтириш осон кечмайди!

Фикримизни мулоҳазаларга сабаби бўлган спортчиларимиз мисолида давом эттирсак. Бутунги тарихий натижага эришишда ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби аниқ режа тузилган эди. Яъни 2021 йилдан бошлаб нуфузли тўрт йилликка ҳар томонлама пухта, комплекс тайёргарлик кўрилди. Нафақат Париж Олимпиадаси, балки ундан кейинги йилларида ҳам Ўзбекистоннинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш, энг асосийси, иқтидорли ёшларга ўз салоҳиятини намоян этиши учун зарур шароитларни яратиш мақсадида гимнастика бўйича Оксана Чусовитина ҳамда бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаблари ташкил этилди. Негаки оққан дарё яна оқсини, янги марралар забт этилиши керак.

Бу йил ўзбекининг Баҳодирни профессионал бокста ўтаётганини айтди. Париждаги мусобақа унинг фаолиятидаги сўнгги Олимпиада ҳисобланади. Давлат раҳбари телефон орқали мулоқот чоғида Баҳодирни тарихий галаба билан қутлар экан, “Парижда ҳам олтин олиб келишга ваъда берган эдинг, бугунги тарихий зафаринг шу ваъдага мос бўлди.

аҳиллик, ишонч каби туйғулар барқарор бўлса. Ўзига шукр, юртимиз тинч ва дунё ҳамжамиятини катта минбарлардан туриб аҳилликча чоралашмиз. Шундан келиб чиққан ҳолда халқаро алоқаларда кўп қиррали ва юқори савияли дипломатия усулини танлаганимиз. Яъни биз ҳеч кимни душман билмаймиз. Биз билан дўстона муносабат ўрнатмоқчи бўлганларга доим очикмиз. Ана шу очиклик боис, муносабатларда мувозанатни сақлаб туришнинг машаққатини эса соҳанинг ичидагилар, Диёра синглимиз каби машаққатли машқларда чиниққан шахслар ахшироқ ҳис этади.

Демоқчимизки, бугунги икки хил стандартлар билан сибегат юритилаётган глобал дунёда олтин ораликдаги дўстликни сақлаб қолиш осон эмас! Ўзбекистон ана шу ишни удалай оляпти. Бу ҳам жамиятдаги эртанги кунга ишончга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ички сиёсатда ҳам халқчил йўл танланган.

Яқин-яқингача ҳоким ким, вазиrлар нима иш билан бандлигини билмасдик. Бутун овозимизни баралла қўйиб, уларнинг фаолиятини муҳокама қилаямиз. Керак бўлса, саволга тутьямиз. Яъни ҳокимият ва оддий халқ ўртасида мулоқот пайдо бўлди. Бу бир-бирини тушунишдан ўзаро ҳурмат даражасига кўтарилди. Давлат идоралари халқ хизматчиси бўлиши мумкин эканига реал ҳаётда ғувоҳ бўлдик. Биргина мисол, бир пайтлар паспортимизга муҳр босилган бўлишига қарамай, маҳалла идорасидан ўша худудда яшашимиз тўғрисида маълумотнома олишга мажбур эдик. Бутун давлат хизматлари портали орқали жуда кўплаб масалаларни масофадан, онлайн бажариш имкони яратилди. Бундай ижобий ўзгаришлар тонги шабада мисоли киши танига роҳат беради. Аммо унинг қандай роҳат эканини, манзил, манбани қаердалигини доим ҳам ҳис этавермайсиз.

Бу ҳам ўша Олимпия ўйинларига ўхшайди. Сиз томошабин сифатида уни тўрт йил давомда кутасиз. Севимли спортчилариниғизга далда бериб, мухлислик қиласиз. Унинг ютуғидан қувонасиз. Кичик хатога йўл қўйса, хафа бўлиб, танқид қилишга ўтасиз. Аммо унинг рўпарасидаги рақиб ҳам кучсиз эмаслигини, улар ҳам ўтган даврда тинимсиз меҳнат ва машқ қилганини эслаб ҳам қўймайсиз.

Аввалги мақолаларимизда мазкур Олимпиададаги галабалари ҳақида айтиб, ТАРИХИЙ ИККИ КУННИ шарҳлаган ва УЧИНЧИ ТАРИХИЙ КУН тўғрисида тахмин қилгандик. 10 августдан 11 августга ўтар кечаси бу тахмин тасдиқини топди. Дастлаб эркин курашчимиз Разамбек Жамалов делегациямиз ҳисобига олтинчи олтин медални тақдим этди. Еттинчи олтинчи боксчимиз Абдумалик Халолов кўлга киритди. Таэквондо WT бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Светлана Осипова эса кумуш медал соҳиби бўлди. Ниҳоят саккизинчи олтинчи ўзбек фахри бўлган Баҳодир Жалолов ўз ҳисобига эди. Ютуқларимиз эса кўплаб хоржиликлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Масалан, қозғоғистонлик Айдар Махметов (Марказий коммуникациялар хизмати директори ўринбосари) ижтимоий тармоқлар орқали жамоамизнинг тарихий галабаси ҳақида шундай фикр ёзиб қолдириди: “Ўзбекистон миллий олимпия терма жамоаси “Париж — 2024” мусобақаларида фантастик тарзда 8 та олтин медални қўлга киритди! Эрақлар ўртасидаги бокс баҳсларида мутлақ галаба — 7 та олтин имкониятидан 5 та

медаль Ўзбекистонга насиб этади. Бу мисли кўрилмаган натижадир. Охирги марта бундай кўрсаткичга 2004 йилда Афинада Куба давлати эришган эди. Аммо ўшанда улар 11 та имкониятдан 5 та олтин олди. 1992 йил Барселонада эса кубаликлар 12 та олтин медалдан 7 тасини қўлга киритди.

АҚШ жамоаси 1984 йил Лос-Анджелесда меъбон ўлароқ 12 та олтиндан 9 тасини олди. Аммо ўша йили Олимпиядаги социалистик мамлакатлар, биринчи навбатда, собиқ иттифокнинг энг кучли боксчилари бойкот қилган эди. Шунинг учун бу натижага объектив дейиш мумкин эмас.

Яъни яқин бокс тарихида ҳеч қачон бир мамлакат терма жамоаси Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон каби устуллик қилмаган.

Бундан ташқари, қўшнилариимизнинг дзюдо, таэквондо ва эркин кураш бўйича ҳам олтинлари бор. Шунингдек, 2 кумуш ва 3 бронза ҳам. Мусобақада 13-ўрин!

Яна улар бир Олимпиадада бирваракай учта икки қарра Олимпия чемпиониға эга бўлди. Ўзбекистон аҳлини шундай оламшумул муваффақият билан табриқлайми!

Спорт кечаларининг энг қувонарли лаҳзалари бизнинг галабани қўшни ва қардош мамлакатлар фуқаролари ўз байрогини балан кўтариб нишонлагани бўлди. Шунинг ўзидек туркий дунё руҳини, унинг чексиз қудратини кўрсатди. Бундай бирлашув ўз-ўзидан бўлмайди. Физиклар ахши билади. Ҳар бир модданинг марказида ҳаракатта келтиридан куч туради. Ўша куч Ўзбекистон деган мамлакатда “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” эгу гоиси орқали ўз ифодасини топди. Айни пайтда юқорида қайд этганимиз — ташқи сиёсатдаги дўстона муносабатлар ўз кучини кўрсатди. Бутун бирлашув гоиси нафақат Марказий Осиё, балки туркий дунёга кенг қулоч эди.

Буни спортчиларимизнинг тарихий натижасини минтақамиз халқлари каби қардошларимиз ҳам зўр хурсандчилик, самимият, ҳавас билан эътироф этганида кўришимиз мумкин. Қувонарлиси, нафақат Ўзбекистон галабаси, балки минтақа давлатлари кўлга киритган ҳар бир ютуқни барча қўшнилари бирдек байрам қилаётгани, уни ЎЗИНИКИ деб билаётгани Марказий Осиё халқларининг тобора бир-бирига яқинлашиб, БИРЛАШАЁТганининг ёрқин ифодасидир. Юқорида айтганимиз, Абдумалик Халолов ва Қирғизистон вакили Мунарбек Сейитбек ўғли ана шу дўстлик учрашувларининг марказий мусобақасига айланди. Яъни аввал айтилганидек, Мунарбекка ўзбекистонлик мурабий Акмал Ҳасанов секундантлик қилди. Шу тарихқа унинг финалгача чиқишига сабаби бўлди. Финалда эса гарчанд ҳамюртимизнинг кўли банд келган бўлса-да, ҳақиқий галаба дўстлик томонида бўлди. Жанг олдиндан Акмал Ҳасанов Мунарбекка тўн кийдириб, омад тилади. Бундай муносабат қардош ва минтақа мамлакатлари халқлари орасида эътироф этилди.

Бу чинакам тантилик, бир аканинг укасиға бўлган меҳри, туркийларга хос дўстлик рамзи эди. Спортчиларимиз ўзлари билмаган ҳолда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, ислохотлар самарасини шу йўсин очиб берди. Зеро, бундай аjoyиб натижалар замирида яна Ўзбекистонда бошланган ислохотлар самараси, марказдан тарқаладиган ҳаракат қуввати яраини!

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ, Аваз ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ АСОСИЙ КУЧ



Бугунги кунда дунёда экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш жаҳон ҳамжамияти олдидаги асосий масалалардан бири бўлиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кейинги йилларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Очиқ маълумотлар порталида 11 турдаги ифлослантирувчи модда бўйича атроф-муҳит, хусусан, атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш бўйича маълумотларни жойлаштириш тизими ишга туширилди. Чикиндиларни бошқариш, аҳолига кўрсатилган хизматлар сифатини ошириш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш борасида ҳам изчил ва самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳужжат билан ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуқсиз "технологик занжир"ни ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган. Устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик ҳамда унинг тизим ташкилотлари томонидан ҳар бир раҳбар ва ходимнинг ижро интизоми янада мустаҳкамлаш бўйича куйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинган:

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш; **тўғридан**, қонунчилик ҳужжатлари аниқ механизмлар, мuddатлар ва масъуллар белгилашнинг таъминлаш ҳамда тизимга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали иш самарадорлигини ошириш; **бешинчидан**, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тушунтириб бориш.

Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир масъул ижро интизми топшириқларини қўриқиб олиш ва жавобгарлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 31 майдаги "Йўро.гу.уз" ижро интизми идораларига ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан "Йўро.гу.уз" ижро интизми идораларига ягона электрон тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарор, фармойишлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилиниши қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини вақтида ва сифатли ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил қилишда ўз самарасини бермоқда.



Азиз АБДУҲАКИМОВ, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири

янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2023 йил сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсад ва вазифалар ҳам белгилаб берилди. Бу ўринда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини мисол қилиб келтириш мумкин. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган умуммиллий лойиҳа доирасида республика бўйлаб ҳар йили 200 миллион туп дарахт кўчатларини экиш кўзда тутилган.

2024 йилнинг баҳорги мавсумида 138,5 миллион туп дарахт кўчати экилди. Шундан 1040 та саннат корхонаси ва уларга туташ ҳудудларда 5,3 миллион туп дарахт экиш орқали "яшил белбоғ"лар барпо этилди.

Шунингдек, Оролбўйи минтақасида 215 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" яратилди. Соғлиқни сақлаш ташкилотлари, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудига 3,4 миллион тупга яқин кўчат ва қаламчалар экилди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган яна бир долзарб вазифа — атроф-муҳит мониторинги, чанг-газ тозалаш ускуналари ва сув тозалаш иншоотларини ўрнатилган ҳамда модернизация қилиш ҳисобланади. Жорий йил бошдан буён 488 та саннат корхонасининг 3320 та ифлосланиш манбаларида экологик мониторинг тадбирлари олиб борилди.

Бундан ташқари, 42 та йирик корхонада чанг ва газни тозалаш ускуналари ўрнатилди, 37 та корхонада эса сув тозалаш иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди. Атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи 11 минг 296 та ишлаб чиқариш объекти давлат экологик экспертизасидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида" ва "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунлари ижроси доирасида 2024 йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар аънавий тарзда ўтказиб келинадиган "Тоза ҳаво" ойлиги давомида 205 мингта автомобиль экологик назоратдан ўтказилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Чўлланиш, қургоқчилик, чанг бўронлари кучайишига қарши чора сифатида иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, ўрмон фондининг 220 минг гектар майдонига ўрмон плантациялари барпо этилиб, чўл ва бошқа ўсимлик турларининг 771 тонна уруғи тайёрланди.

Экологик вазиятни яхшилаш (чўлланиш, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш) мақсадида чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларида 140 гектар майдонда ҳимоя ўрмон плантациялари яратилди. Шунингдек, 2820 гектарда доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари барпо этилиб, 663 тонна доривор ва озуқабоп ўсимлик материаллари йиғиб олинди.



нинг ҳар бир ҳудудига чикиндиларни қайта ишлаш, муқобил энергия ва органик ўғитлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланди.

Хусусан, 2,8 миллион тонна чикиндидан йилга 2000 МВт. муқобил энергия, 1,3 миллион тонна чикиндини компостлаш орқали 1,1 миллион тонна органик ўғит ишлаб чиқариш, 14 та чикиндиларни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш кўзда тутилган.

Экологик ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилувчи асосий омиллардан бири юқори ижро интизомидир. Маълумки, бугунги кунда республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва кўзланган мақсадларга эришишда бевосита ҳар бир ташкилотда мустаҳкам ижро интизомининг йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ҳужжатларда белгиланган вазифаларни вақтида ва сифатли бажаришда ҳар бир раҳбар ва ходимдан, албатта, шахсий масъулият, қатъий интизом ва касбий маҳоратни талаб этади.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони давлат идоралари ва ташкилотларда ижро интизоми янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳар томонлама лухта ҳамда юксак профессионал даражада тайёрлаш, уларнинг ишлаб чиқишли устидан шахсий назоратни ташкил этиш;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларини юқори даражада иқтисодий, молиявий ва

Чўлланиш, қургоқчилик, чанг бўронлари кучайишига қарши чора сифатида иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, ўрмон фондининг 220 минг гектар майдонига ўрмон плантациялари барпо этилиб, чўл ва бошқа ўсимлик турларининг 771 тонна уруғи тайёрланди.

тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳафталик душанба кунини — вазири, жума кунини — вазирининг биринчи ўринбосари ҳузуринда муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, вазириликда вазири ўринбосарлари кесимида ҳар ойда назоратдаги топшириқлар бўйича календарь-график, шунингдек, топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида йўл хариталари ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши ва шу асосда ижро интизоми назорат қилиш тизими жорий этилган.

Президентимизнинг 2024 йил 13 мартдаги "Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан ҳар бир раҳбар фаолиятини баҳолашнинг мукамал тизими яратилган.

Мазкур фармонга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартдаги 172-сон қарори билан вазирилик, идоралар ва хўжалик бирлашмалари қатори Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик, унинг тизим ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқармалар фаолиятининг 2024 йил энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) тасдиқланган.

Ушбу мақсадларга эришишда ҳар бир раҳбарнинг ўз фаолиятида яқиний натижаларини сўзсиз таъминлашга қаратилган шахсий масъулият ва темир интизом, ташаббускорлик каби мутлақо янги ижро интизми тизимининг жорий қилингани муҳим ўрин тутмоқда.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазириликга қилиб



тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳафталик душанба кунини — вазири, жума кунини — вазирининг биринчи ўринбосари ҳузуринда муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилган.



Саноат

ИНВЕСТИЦИЯ ОДАМЛАР ТУРМУШ ТАРЗИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТМОҚДА

Инвестиция иқтисодийнинг модернизациялаш, техник ва технологик янгиланган таркибий тузилишини тубдан ўзгариши рабарорида аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, Навоий вилоятида мазкур йўналишдаги ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Кармана туманида жорий йилда умумий қиймати 78,1 миллион долларлик 58 та лойиҳани амалга ошириш эвазига 800 дан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар умумий қиймати 4,6 миллион долларлик 23 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, 1000 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Шу кунларда эса "SOGDA KIMYO ZAVOD" масъулияти чекланган жамиятида сульфат кислота, калий сульфат каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун умумий қиймати 25 миллион долларлик лойиҳа устида иш-



ланаяпти. Лойиҳа асосида 120 дан зиёд киши ишли бўлади. Йилга 5 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади. Инвестиция муҳити тобора яхшиланиб бораётгани туфайли вилоятда бир вақтлар қаровисиз ва фойдаланилмай турган ҳудудларда ҳам замонавий йирик корхоналар ташкил этилмоқда. Ана шундай корхоналардан бири — "Zarafshon industrial technology" заводига жорий йилнинг олти ойида 123,1 миллион долларлик тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Корхонада



ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотлар 100 фоиз импорт ўринини боса олади. Навоий вилоятининг инвестиция салоҳияти ошиб боришида Учқудўк туманининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Саноат майдонини ҳисобланган туманда Навоий кон-металлургия комбинатида илк тамал тоши қўйилган ва бу йирик қувват туман иқтисодидеги ҳамда инвестиция муҳитида асосий ўрин тутаяди. Комбинатни ривожлантиришнинг 2017-2026 йилларга мўлжалланган иккита дастурига

қўра, 27 та инвестиция лойиҳаси учун 3 миллиард 63 миллион доллар йўналтирилиб, қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоиз ошади ва 31 мингта яқин янги иш ўрни яратилади. Жорий йилги дастур доирасида умумий қиймати 1 миллиард долларлик 11 та лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Айни вақтда барча лойиҳалар бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Улар орасида "Қўқпатав ва Довғистов олтин конларида маъдан қазиб олиш (3-навбати)" инвестиция ло-

йиҳаси ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишда катта аҳамиятга эга. Унинг умумий қиймати 281 миллион долларни ташкил этади. Лойиҳа доирасида 3-гидрометаллургия заводига йилга 1 миллион тонна олтин таркибли маъданни қайта ишлаш қувватига эга янги тегирмон ишга туширилди. Бунинг учун зарур асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар маҳаллийлаштирилиб, комбинат корхоналарида тайёрланди.

Мазкур 7-тегирмоннинг ишга туширилиши натижасида келажакда флотация, биооксидлаш, фильтрлаш, қуритиш ва куйдириш цехларини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Йил якунига қадар саккизинчи, яъни шарли тегирмон ўрнатилиши эвазига маъданни йиллик қайта ишлаш ҳажми 10 миллион тоннага ошади. Биринчи йирик эркин иқтисодий зона Навоий вилоятида ташкил этилган эди. Бугунги

кунда ҳудудда инвестиция лойиҳалари асосида 50 га яқин корхона самарали фаолият юритиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Ҳудуддаги "Навпромлитмаш" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини қурилиш маҳсулотлари тайёрлашдан бошлаган бўлса, ҳозир маҳаллийлаштириш дастурига асосан, металлургия ва машинасозлик соҳаси учун 50 дан ортқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Ушбу саноат зонасидаги яна бир истиқболли инвестиция лойиҳаси асосида фаолият бошлаган "Thermo install" корхонасида истеъмол бозорига талаб катта бўлган иситиш қозонлари ҳамда бино-хонадонларни иситиш радиаторлари ишлаб чиқарилаётган. 120 киши меҳнат қилаётган корхонада йилга ўртача 22 мингта шундай маҳсулот тайёрланади.

2021 йилда ташкил этилган "Tanch eng stone" корхонасининг лойиҳа қиймати 17 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда, асосан, гранит тошлар қайта ишланади. 300 кишилик жамоа томонидан тайёрланган маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Саноат майдонига импорти ўринини босувчи қурилишбоп маҳсулотлар, хусусан, базальт плиталар тайёрлаш ўзлаштирилган бунёдкорлар учун айна мудао бўлди. Қиймати 30 миллион долларлик лойиҳа доирасида йилга 40 минг тонна базальт плита ишлаб чиқарилади. Саноат зоналари учун яратилаётган имконият юртимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалиши, тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритишида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса инвестиция муҳити янада яхши бўлиши ва жозибadorлигини таъминлайди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

Илм толибларига катта имкониятлар яратмоқда

Таълим тараққиёти

Бугун Ўзбекистонда янги Ренессанс пойдевор қўйиш даврида олий таълим тизими ҳам янгиланиш ва ислохотлар босқичидан ўтмоқда. Тизимда сифат ва самара шиддат билан кўтарилгани олий таълим олишнинг туб моҳиятини англаган ёшлар дунёқарашида, натижаларида яққол намоён бўла бошлади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кредит-модуль тизими жорий этилди. Бунинг натижасида ёшларда ўзини ўзи бошқариш имконияти ошириб бори. Шу билан бирга, бу тизим таълим сифатини оширишга, шаффоқлиқни таъминлашга, коррупцияга барҳам беришга, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқаришга ҳамда талабанинг мустақил ўқиш-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратди.

Ўзгаришлар жараёнида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклиги туркираб ривожлана бошлади. Худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражаси ошириб бори. Кўплаб олийгоҳлар қаддини кўтариб, нуфузли халқаро рейтинглар рўйхатидан ўрин эгаллади. Олийгоҳларга берилган академик мустақиллик эса Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи "хаб"га айлантиришга, олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этишга катта имконият яратди.

Бу каби ўзгаришлар сўнгги беш йилда шиддатли тус олди ва мамлакатнинг барча фуқаролари учун олий таълимнинг кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида олишга шaroит юзага келди. Эңдликда олий таълим муассасалари ўртасида соф рақобат, меҳнат бозорига ўзининг етуқ кадрлари билан муносиб ўрин эгаллаш учун кучли интилиш бошланди.

Ҳалол таълим — шаффоқ тизим ва миллий тарбия

Ёшларнинг олий таълим муассасасига ҳужжат топширишидан бошлаб, тест имтиҳонларини ўтказиш, уларни баҳолаш ва оммага етказишга бўлган мукамал ва шаффоқ тизим яратилдики, талаба ҳамма жараёни ўзи холис равишда махсус платформаларда бошқара олади. Замонавий технология ёрдамида онлайн трансляция орқали ота-оналаримиз олийгоҳларда яратилган шарт-шaroитлардан бемалол фойдаланиб, фарзандларининг имтиҳон жараёнини кузатиб бормоқда.

Талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш бўйича барча босқичларни очик амалга ошириш мақсадида аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнидаги ушун махсус автоматлаштирилган онлайн дастур жорий этилди.

Айниқса, магистратура босқичига қабул жараёнида абитуриентнинг бакалаврият дипломи бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тили билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга оширилиши коррупцион ҳолатлар илдизига болта урди.

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим жараёнида бошқариш "NEMIS" ахборот тизими жорий этилди. Натижада таълим жараёнининг самарадорлиги ва шаффоқлиги ортди. Рақамлаштириш орқали коғозбонлик камайиб, профессор-ўқитувчилар учун асосий вақтининг билим бериш ва изланиш билан шуғулланиши имконият яратилди. Бунинг самараси ўлароқ таълим сифати ва иш умумдорлиги сезиларли равишда орта бошланди. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларга электрон таълим хизматларини кўрсатиш амалиёти таъминланди. Талабалар давомати яхшиланишига олиб келди.

Демак, ҳақиқи равишда айтиш мумкинки, ёшларимиз орзу қилган кунлар бугун келди. Мамлакат драйверига айлана олган олий таълим тизими ёшлар ўз ўнгида ва халқаро ҳамжамияти нигоҳида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мевасини кўрсатиб бериди.

Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади

Юртимизда "Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади" эзгу ғояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва хотин-қизларимиз ҳаёти янада яхши бўлиши, таълим олиши учун бемисл ўзгаришлар бошланди.

2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар тизимли кўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга асосан, олий таълим муассасалари, сиртки ва кечки таълимда ўқитган хотин-қизларнинг контракт пулларини тўлаш учун 7 йилга фойсиз кредит бериш, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқитган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат боджетидан қоплаб берилиши Ўзбекистонда амалга оширилган энг инсонпарвар ислохотлардан бири, десак муболага бўлмайдди.

Миллат тараққиёти, жамият ривож учун аёлларимизнинг таълим олиши, илм билан шуғулланиши ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришга эҳтиёж катта эди. Бу эҳтиёжнинг қондириш учун нафақат ўқишда, балки ишда ҳам, оилада ҳам, умуман, барча жаҳада аёллар қадрланди, уларнинг илм олиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига шарт-шaroитлар яратилди. Зеро, хотин-қизлар, аёлларимизга кўрсатилаётган меҳр, эҳтиром эртага мамлакат тараққиёти, билимли авлод камолоти учун пойдевор бўлади.

"Сиз ахир осмонни олмақ бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайин?"

2022 йил 30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан ташкил этилган байрамда Президентимиз мамлакатимиз ёшларини таб-

риқлар экан, халқ шоири Гафур Гуломнинг юқоридagi ёниқ мисраларини ёдга олди.

Кўплаб кўнгли ярим ёшларнинг дилига кувонч, ҳаётига бахтиёрлик бахш этган воқеалардан яна бири 2020 йил 23 сентябрда "Таълим тўғрисидаги" қонуннинг қабул қилиниши, 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармон асосида инклюзив таълим шакли жорий этилиши бўлди. Фаргона давлат университетига ҳам инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилдики, натижада университетда 2016 йилда ногирон талабалар контингенти 15 нафар бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда 230 нафарни ташкил қилди, 15 баробар ошди.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларга тўлов-шартнома суммасини тенг улушда, ўқув йили давомида тўрт мартаба бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди. Бу эса талабадаги хавотир, гуруҳдошлари олдидаги хижолатли вазиятларни бартараф этиб, олийгоҳ ва ёшлар ўртасида катта ишонч кўпригини ҳосил қилди.

Бундан ташқари, давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда шундай имтиёзлар тақдим этилдики, ёшларнинг таълим тизими хусусидаги қарашлари, нуқтани назарлари буткул ўзгариб кетди. Хусусан, имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти билан талабаланик тавсия этиш учун асос бўлувчи қатор имтиёзлар белгиланди. Улар ёшлар кўнглини тоғдек кўтариб, ҳаёт йўлидаги сунъи устунига айланди.

Жорий йил 24 май кунини яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилишни таъминлаштириш тўғрисида"ги фармони асосида 2024/2025 ўқув йили қабулдан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти меҳор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилди. Шу билан бирга, давлат буюртмаси



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Бу борада олий таълим ривож учун тинимсиз меҳнат қилинди, оламшумул ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳа қонунчилиги ёшлар манфаатлари йўлида йиллар оша тубдан ўзгариб бори. Ёшлар учун кўплаб имтиёзлар, имкониятлар яратилдики, бугун олий таълимда уларнинг қамрови 9 фойддан 42 фойдга кўтарилди. Олийгоҳлар сони эса 200 тадан ошди. Демак, тизимда катта сакраш даври рўй берди, десак айни ҳақиқат бўлади.

Ёш авлод мана шу бахтли кунларнинг чин эгаси. Ёшлар мамлакатини бўлган бу юрда улар учун очилмаган эшикнинг, имконсиз нарса-нинг ўзи йўқ. Меҳр-эҳтибор, кўллаб-қувватлаш ёки турли имтиёзларнинг барчаси шу эл фарзандлари учун. Уларнинг фаровон ҳаёти, бахтли келажаги, эртаси учун сўнгги йиллар давомида мамлакатимиз ҳаётига дахлдор мисли кўрилмаган ислохотлар кечди.

Илм йўлини танлаган, билимга чанқоқ ёшлар учун халқимиз узоқ йиллар кутган ўзгаришлар содир бўлдики, яна қайта талаба бўлиши келади одамнинг.

Ислохот, шароит ва ҳуқуқ

Ислохотлар хусусида ҳар қанча гапирилса, фикр билдирилса — аригилуки. Улардан бирини таҳлил этсак. Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқариш мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори вақтида қабул қилинган, олий таълим тизимини катта тараққиёт йўлига олиб чиқувчи муҳим ҳужжат бўлди. Чунки тизимга инновация янгиланишини киритиш асосидagina ички ва ташқи меҳнат бозорига рақобатбардошлиқни таъминлаш мумкин. Ёшларнинг интеллектуал қиёфасини кўтаришга қаратилган бу ўзгариш соҳанинг барча йўналишларига ўзига хос шиддатли тўлқин берди ва ёшларимиз орзу қилган кунлар кетма-кет содир бўлаётган янгиланган билан ёришиб кетди.

Тараққу

Шу кунларда мамлакатимизда 2024/2025 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг биринчи синфига қабул жараёни сўнгги босқичга кирди. Янги ўқув йилида мактаб ёшидаги 719 минг 366 бола 1-синфга қабул қилиниши режалаштирилган. Бугунгача давлат мактабларига 586 мингдан зиёд ўқувчи қабул қилинган. Жараён давом этмоқда. Ҳадемай мактаб остонасига қадам қўяётган бу ўғил-қизларга 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат "Президент совғаси" топширилади.

Мурғак қалб эгаларида алоҳида ҳаяжон уйғотувчи "Президент совғаси" 10 августга қадар худудларга, 20 августга қадар эса қабул қилинган ўқувчилар сонига мос равишда барча мактабларга тўлиқ етказилиши белгиланган. Ўқув қуролларини тайёрлашда сифатига алоҳида эътибор қаратилган. "Президент совғаси" нафақат давлат умумтаълим мактаблари, балки назарлик ва идоралар тасарруфидagi ҳамда нодавлат умумтаълим муассасаларига ҳам етказиб берилди.

Сурхондарё вилоятида янги ўқув йилида 1-синфга 63 минг 945 ўғил-қиз қабул қилиниши режалаштирилган. Шу кунгача 60 мингдан ортқ бола воҳадаги 961 та умумтаълим мактабига қабул қилинди. Айни жараёнда Термиз шаҳрида яшовчи болаларнинг отанаси "my.maktab.uz" электрон платформаси орқали мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтмоқда. Бошқа худудларда эса қабул мактабларининг ўзида амалга оширилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги "Халқ таълими тизимини давлат хизматлари кўрсатишини янада таъминлаштириш тўғрисида"ги қароридa болаларни давлат мактабларига қабул қилиш ҳамда ўқувчиларни бир мактабдан бошқасига ўтказиш, чет эл

"ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ" —



фарзандларимиз қувончи, ёруғ истиқболи муждаси

фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини мактабга қабул қилиш, экстернат тартибидa имтиҳонлар олиш учун аризалар қабул қилиш, умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари дубликатини бериш каби қатор жараёнлар давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентлари сифатида тасдиқланган, — дейди вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ходими Фахриддин Самадов. — Масалан, айни паллада Термиз шаҳридаги 26 та мактабнинг 1-синфига қабул жараёни онлайн платформа орқали бўлмоқда. Ота-оналар яшаш жойига яқин мактабни белгилаб, мурожаат қилиши мумкин. Онлайн қабул тизимини энди вилоятнинг барча худудидa жорий этмоқчимиз.

Ўтган йилга қараганда бу йил 1-синфга қамров сезиларли ортган. Масалан, 2023 йили вилоят бўйича 62 минг 670 бола биринчи синфга қабул қилинган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 63 минг 900 нафардан ортқини ташкил этмоқда. Белгиланган низоғма мувофиқ, қабул жараёни икки босқичда амалга оширилмоқда. Биринчи босқич 20 июндан 31 июлгача микрохудуд доирасида, иккинчи босқич эса 1 августдан 15 августгача микрохудуддан ташқарида бўлади. Шунингдек, хорижий давлат фуқаролари фарзандлари учун ҳам вазирлик томонидан зарурий шароитлар яратилган бўлиб, улар ҳам ушбу имкониятдан фойдаланиши мумкин.

— Термиз шаҳрида кўплаб хорижий давлатлар фуқаролари истиқомат қилади. Уларнинг фарзандлари учун ҳам қатор қўлайликлар яратилган. Мактабларда бу бўйича алоҳида штаблар ташкил қилинган. Ўрганилиб, хулосалар берилади ва ижобий ҳал этилади, — дейди Ф. Самадов. — Шу кунгача вилоят бўйича умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилиш кўрсаткичи 92 фойдга етди. Жараён давом этмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларида 1-синф ўқувчиларини кутиб олиш учун зарур тайёргарлик кўрилмоқда.

— Турмуш ўртоғим ҳарбий хизматчи бўлгани туфайли айни пайтда Термизда яшайман. Уларнинг фарзандлари қизим учун мактаб излаб, ҳужжат тўллаб юришимга зарур бўлмади. Уйда ўтирганча яшаш манзилимизга яқин мактабни белгилаб, ишимни онлайн битирдим, — дейди Севара Худойназарова. Янги ўқув йилига тайёргарлик нафақат мактабларда, балки ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасаларида жадал давом этмоқда. Ўқув йили бошлангани билан талабаларни турар жой билан таъминлашда қатор муаммолар юзага келди. Шундай вазиятларнинг олдини олиш учун ўтган ўқув йилидан бошлаб ётоқхона, талабалар турар жойи масаласида қўлай

механизм ишлаб чиқилди. Ўқиш бошлангунга қадар эҳтиёжманд ёшлар уйда туриб талабалар турар жойидан ўрин олиш учун онлайн ариза топшириб, жой банд қилдирилган бўлди. Бу йил мазкур жараён 1 августдан бошланди.

— Талабалар турар жой учун аризаларини "my.gov.uz" портали орқали юбориши мумкин. Мавжуд тартибга асосан, дастлаб имтиёз ва устуворликка эга талабгорлар талабалар ётоқхоналарига қабул қилинади. Белгиланган рўйхатдагилар учун ётоқхоналардан ортқ қолган ўринлар сонига нисбатан нарбат асосида тақсимланади, — дейди Термиз давлат университети талабаларини турар жой билан таъминлаш бўлими бош мутахассиси Илҳом Бобожўев. — Ҳозир 1-босқич талабалари жойлаштирилмоқда. Қолган курс талабалари ҳам тақсимот асосида жойлаштирилади. Шунингдек, уларни ижара хонадонларга жойлаштириш ишлари ҳам тизимли бажарилапти. Кейинги йилларда олий таълимга қамров ортди бориши, ОТМлар сони кўпайиши ортидан янги талабалар турар жойлари қурилмоқда. Масалан, биргина Термиз давлат университетига бундан аттиги 5 йил муқаддам 3 та ётоқхона бўлган. Ҳозир улар сони 6 та. 2024/2025 ўқув йили учун янги 700 ўринли ётоқхона ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча ётоқхоналарда ўқув йили учун зарур шароит ҳозирланмоқда.

Тартибга кўра, абитуриентлар яқуний натижа чиққандан сўнг талабалikka қабул қилинган, ариза юбориши мумкин. Шунингдек, хусусий хонадонларга жойлаштириладиган талабалар билан тузиладиган турар жой ижара шартномалари давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинет орқали масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face ID) технологияси орқали электрон шаклда реал вақт режимида ҳисобга қўйилади. Бу каби қўлай, тезкор, сифатли хизматлар аҳолининг оғирини енгил, узогини яқин қилади.

Сарвар Тўраев,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



Миллатнинг генофондидаги қувват катта ўзганга ўхшайди. У муайян вақтларда қуриб қолгандай, ўзлигини йўқотгандай кўринади. Лекин чархпалак айланиб, чўмичи яна сувга тўлиб чиққани каби миллат ҳам юксалиш палласини такрорлайди.

Заррабин

Мамлакат ва жамият ҳаётида ҳал қилувчи паллалар, муҳим воқеалар бўлади. Бундай ҳодисаларнинг тағ-замирини англаш жуда муҳим. Зеро, айнан шу англаш туфайли жамият тўғриси йўлни танлайди. Ёки шу натижага олиб келган омилларни янада кучайтиради.

“Янги Ўзбекистон” газетасида илк бор “Заррабин” руқни ташкил этдик. Мақсад мамлакатимиздаги муҳим ҳодиса ва воқеалар моҳиятини англашга уринишдир. Ило, моҳият ўқидир. Унинг нима ва қандай ҳолатда эканини билиш, бошқаларга ҳам кўрсатиб бериш ўша илдизга қувват беради. Ана шундай эзу ният ила “Заррабин”ни илк бора дунёни ҳайратга солган қизларимиз, уларнинг ютуқлари замирида қандай яширин қувват борлигини билишга қаратдик.

Тахририят



ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ЮТУҚЛАРИ ЗАМИРИДА ЯШИРИН ҚУВВАТ СИРИ БОР

ёхуд чархпалак айланиб, яна чўмичимиз сувга тўлиб келаётгани ҳақида



Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори

Кирк йилда кир, элик йилда эл янги, деган гап бор. Ана шундай янгилашни фаслида тарози палласи қай томонга оғишини олдиндан айтиб бўлмайди. Аммо уни жамиятнинг ахлоқига қараб тахмин қилиш мумкин. Демак, ўзгаришлар жараёнида халқларни ахлоқ, эътиқод сақлаб қолади, десак бўлади.

Аёлнинг ахлоқи бутун жамият ахлоқини белгилайди. Чунки аёл — тарбиячи! Айтишларича, она ўғлини курашда йиқитган полковни бориб кўрмоқчи бўлибди. Манзилга боргач, ўзидан жуссаси анча катта, салобатли аёлга рўбарў келибди. Билса, ўша аёлнинг ўғли курашда голиб бўлган экан. Фарзанднинг мағлубиятини тан олгиси келмай йўлга чиққан аёл рақиб полковнинг онасини кўргач, ортига қайтибди. Чунки онага қараб ўғилга бемалол баҳо бериш мумкин. Шу боис, халқимиз “Ало онадан, тулпор биядан”, дейди. Яъни аллик онага боғлиқ. Бола аёл вужудида шаклланади. Шунинг учун жамиятда аёлнинг ўрни жуда муҳим.

Аёлнинг жамиятимиздаги ўрни

Жамиятимизда аёллар ҳамisha алоҳида ўрин тутган. Маҳаллаларда эркалар оқсоқол бўлган. Муҳим қарорларни улар қабул қилган. Шу орқали инсонларни тўғри йўлга бошлаган.



Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

оқаверади, дегани шу. Миллатнинг генофондидаги қувват катта ўзганга ўхшайди. У муайян вақтларда қуриб қолгандай, ўзлигини йўқотгандай кўринади. Лекин чархпалак айланиб, чўмичи яна сувга тўлиб чиққани каби миллат ҳам юксалиш палласини такрорлайди. Ҳақ чархпалак текис айланиши учун ташқи таъсирлар унга халал бермаслиги керак. Яъни миллат ўзлигига қайтиши учун қўлай шароит ҳам муҳим.



Масалан, Диёра Келдиёрова Париждаги Олимпиадада олтин медални қўлга киритди. Яна бир қизимиз Райёна Иброҳимова немис тили бўйича жаҳон олимпиадасида олтин медални олди. Умуман, бундай ютуқларни жуда кўп санаш мумкин. Бу эса қизларимизнинг

генидаги қувват уйғонганини билдиради. Диёранинг рақибига ваҳожат билан ташланиши ўз-ўзидан содир бўлмади деб ўйлайман. Унда генетик хотира уйғонди. Қизларимиз Бибиноним, Барчиноиларнинг авлоди эканини кўрсатди. Генетик хотира уйғониши қизиқ ҳодиса. Уни мана шундай бўлгани учун уйғонди, деб ананса айтиш мумкин. Лекин муайян сабабларни санасак бўлади. Масалан, генетик хотира маънавий ҳодиса бўлади. Деялик, умрида отга яқин келмаган одам эгардан оёқ ошириши билан отни бемалол миниб кетавериши мумкин. Баъзи усталар ҳеч қимдан хунар ўрганмасдан, ўзидан-ўзи уста бўлиб кетади. Ҳоҳида биз бундан истаъдод деб айтаман. Аслида, бундай вазиятда генида бор жиҳатлар уйғонган бўлади. Илм ҳам, фикр ҳам худди шундай. Агар ота-боблар илми бўлса, авлодлар муайян муддат илмдан узоқлашса ҳам барибир бир кун асл ўзганга қайтади. Биз ана шундай катта ўзганга эга халқимиз. Шунинг учун турли соҳада истаъдодли одамлар кўп.

Генетик хотира баъзан ташқи таъсир билан уйғонади. Булар сунъий таъсир. Аммо табиий уйғонишда тарбиянинг, ўқинишнинг ўрни муҳим. Бу икки жамиятдаги муҳимта боғлиқ. Бутун одамларимиз ўқиб-ўрганишнинг аҳамиятини тушуниб етди. Ешларнинг илм олиши

учун етарлича имконият бор. Булар вақти-соати билан натижасини кўрсатиши керак. Чунки юқорида айтганимиздай, генетик хотира ўқиб-ўрганиш натижасида очилиб боради.

Лойқа босган булоқнинг кўзи очиб юборилганда сув отилиб чиқади. Бунинг учун ёпиқ булоқни тазолаш керак. Булоқ кўз очини учун жамиятда, мамлакатда шунга яраша имконият яратилган бўлиши лозим. Тўғри, оғир вазиятдаги жамиятларда ҳам бир-бир истаъдодлар буй кўрсатади. Аммо улар жуда кам бўлади.

Негаки бундай жамиятда генетик хотира уйғониши учун озгина рағбат бўлса, ўзини кўрсата оладиган юзлаб ешларнинг қуввати ҳавога учеди. Улардан энг кучлиларини лойқа босган кўзини очиб чиқа олади. Шунинг учун тарбияга жиддий қараш, барча соҳаларга бирдек эътибор бериш керак. Ушангагина генетик хотира уйғонишига кўпроқ имкон берилди. Мамлакат ҳамма йўналишда бирдек ривожланади. Масалан, Диёра қизимиз ҳам машқ қилмаганида, қувватини бир жойга йиғиб, ният билан Олимпиадага бормаганида, ундаги генетик хотира уйғонмаслиги мумкин эди. Демак, бу ерда жамиятда яратилган шароит ҳам муҳим.

Ўзбек аёллари бошқалардан қай жиҳатдан ажралиб туради?

Фольклор таъсирида ўйлашимча, менталитетдан келиб чиқиб, халқлар бир-бирдан фарқланади. Бизнинг халқ оёқ (берувчи) ҳисобланади. Айрим халқлар эса ёпиқ (отувчи) бўлади. Ютувчилар меҳрини ташқарига чиқаради, газабини ичига тутади. Берувчи халқ эса қаҳрини чиқаради, меҳрини ичига сақлайди. Шунинг учун ўзбек ўз ақинига муҳаббатини изҳор қилмайди, лекин қаҳрини очиб айтди. Бу белги, биринчи ўринда, аёлларда намоён бўлади. Ўзбек аёли сабрли, жуда кўп синонвларга чидайди. Лекин оғир тош кўчса, тоғни ўпириб кетади. Шунинг учун бо сабрини тушуниш, уни охириги чорачага олиб бормаслик керак.

Сабри тобе бўлиш, шунчаки жим бўлиш сифатида тушунмаслик зарур. Сабр жуда кенг тушунач, унинг замирида гоҳида меҳр ҳам, уруш ҳам бўлади. Айниқса, у бутун бир халқнинг сабри бўлса. Шунинг учун жамият, халқ ҳақида гап кетганида, бирдан хулоса қилиб бўлмайди.

Масалан, айримлар бир пайтлар ёвқур бўлган миллатимиз ҳозир пассив бўлиб қолди, дейди. Бу худди қишни ёмонлашгандай гап. Қиш — йиғиниш фасли. Одамлар йиққанни эмас, сарфлагани кўради. Биз ҳозир йиғинишнинг охирида турибмиз, сарфлашга чиқяпмиз.


Туркий халқларнинг бирлашаётгани бекорга эмас. Юқорида айтганимиз, чархпалак айланиб, яна чўмичимиз сувга тўлиб келяпти. Диёра, Райёна каби қизларимизнинг чиқиши бундан исботлайди. Зеро, юқорида айтганимиздай, жамият тақдир унинг ахлоқига, ахлоқ эса аёлларга боғлиқ. Уларнинг истиқболини эса муайян маънода жамиятнинг хотин-қизларга эътибори белгилайди.

Маънавий юксалиш

Жорий йилги ҳаж мавсуми ҳам доимгидек кўтаринки кайфиятда ўтди. Айни дам муқаддас ҳаж зиёратига борувчилар ҳаётида янги давр бошланди. Энди ҳажга бораётган киши қайтиб келгач, жамият ҳаётида муҳим ўрни борлигини ҳис этиб, сафарга ҳозирлик кўради.

ЭЗГУ ТАШАББУСНИНГ ҲАЁТБАХШ ОДИМЛАРИ

ҲАР БИР ҲОЖИ — МАЪНАВИЯТ ВА ЭЗГУЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ



Шу йил ҳаж мавсумида Президентимиз ҳожилар ҳолидан хабар олиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилгани тарихий воқеа бўлди. Бундай қувончдан руҳланган ҳожилар Мино, Арафот ва Муздалифада юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги учун дуолар қилди. Улар бир овоздан маънавият тарғиботчиси бўлиш ташаббусини илгартирдилар. Сўнг ҳожилар Шайх Нуриддин Холиқназар бошчилигида эзгу ташаббус лойиҳасини ишлаб чиқиди ва “Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз” шiori остида фаолият юритишга бел боғлади. Мазкур ташаббусни камизнинг барча ҳудудида бирдек бошланди. Дастлаб республика ишчи гуруҳи томонидан маҳалла раислари, фаоллар, имом-хатиблар ва ҳожиларга маҳаллаларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича тушунтиришлар берилди, семинар-тренинглар ташкил этилди.

Шунингдек, Дин ишлари бўйича қўмига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳар бир ҳудудда ҳожилар ўз маҳалла-сидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқимасликларига қўриқилган оилаларга 825 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шунинг ўзидан биргина ташаббуснинг қўлами, самараси қанчалик кенг эканини кўрсатади.

Сўз — ҳожилар, яъни маънавият ва эзгулик тарғиботчилари:

Шарифжон ҳожи ота ДАРМОНОВ

Норин туманидан:

— Биз ҳаж ибодати давомида халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги йўлида кўп бора дуо қилдик. Мана, бутун ўзимиз ҳам маънавият, эзгулик тарғиботчиси бўлиб, маҳалламиздаги хонадонларга кириб, аҳоли билан мулоқот қиляпмиз. Учрашувларда бу ерда кунларнинг қадрига етиш, Аллоҳ берган чекиз неъматларга шукрона айтиш ҳақида ҳаётий ўғитлар асосида сўз юритмоқдамиз. Мақсад — ёшларимизни ҳаётда қўқимлай, ўз йўлини топиб кетишга оз бўлса-да ёрдам бериш. Зеро, фарзандларимиз бекорчи нарсаларга қалғимай, ўқиб-ўрганиб, оёққа туриб кетар экан, бундан нафақат маҳалламиз, балки бутун юртимиз фойда топади. Ҳақисларда таъқидланганидек, яхшиликка далолат қилган киши уни амалга оширган инсондек савобга эга

қувчисини йўқотган, нотинч оилалар, ажрим ёқасида турган фуқароларга бириктирилди.

Ҳозир ҳар бир ҳожи жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга ҳисса қўшмоқда. Улар ешлар тарбияси ва оилалар тотувлигида ибрат ва намуна кўрсатиб, маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, маҳаллалардаги айрим фуқаролар адашиб, эгри йўлга кириб қолмаслиги чораларини кўрмоқда. Бунинг учун маҳаллаларда ҳожилар ва имом-хатиблар иштирокида тадбирлар ўтказилмоқда. Унда аҳолига аҳил-иноқлик, оилалар тотувлиги, ватанга садоқатнинг асл моҳияти содда, халқчил тилда, ҳаётий мисоллар билан тушунириб берилмоқда. Бундай тадбирлар ҳожилар маънавият тарғиботчиси бўлишидек эзгу ташаббус нақадар тўғри ва ўз вақтида билдирилганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Ҳайрли тадбирлар бошланганига ҳали икки ой ҳам бўлмади. Ана шу қисқа вақтда ҳожилар иштирокида 10 мингдан зиёд маърифий ва хайрия тадбирлари ўтказилди. Улар доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 37 мингдан ортиқ аҳоли билан диндан суҳбат қилинди. Натияжада оилавий низоларни бартараф этиш, ажрашми ёқасидаги инсонларни яраштириш, нотўғри йўлга кириб қолган ешларга тўғри йўл кўрсатиш каби масалалар ижобий ҳал этилди. Қолаверса, ишиз фуқароларга муносиб иш жойлари топишга

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” муҳбири Сардор ТОЛИБОВЕВ таъйёрлади.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:40 Тошхирлид — 03:15

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограм” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2720
41126 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограм” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29